250895

Илм – ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 16 август, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.
32 (6678)

ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИГА — ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Иқтидорли ёшлар — юрт келажаги. Мустақил республикамиз ёшлари орасида ана шундай истеъдод соҳиблари кўплаб топилади. Шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ ёш созанда жаҳоннинг турли мамлакатларида, жумладан, Франция, Англия, АҚШ, Германия сингари давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этишди. Уларнинг кўпчилиги совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундай истеъдод эгаларига катта умид билан қарамоқда. Уларни қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ижрочилик маҳорати билан республикамиз мусиқа санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган икки нафар ёш созанда — Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Даниил Холиқов ва Фарғона вилоятидаги 25-мусиқа мактабининг 3-синф ўқувчиси Лазиз Зокиров Президент стипендиясига муносиб топилди. Бу мукофот Президентнинг академиклик гонораридан ташкил топган. Юртбоши назарига тушганларнинг биринчиси Буюк Британияда ўтказилган ёш скрипкачилар халқаро танловида мусиқа шайдоларини лол қолдирган бўлса, иккинчиси — Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика халқ чолғу асбоблари ижрочилари кўрик-танловида моҳир ғижжакчи сифатида шуҳрат қозонган.

9 август куни Президент девонида ана шу икки ёш созандага Президент стипендиясини топшириш маросими бўлди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар раҳбарлари, ёш санъаткорларнинг устозлари иштирок этди.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев мамлакатимиз раҳбари ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериб келаётгани тўғрисида гапирди. Республикамизда истеъдодли ёшлар кўплигини, уларни излаб топиш, Президентимиз ташаббусини кенг ёйган ҳолда, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмак бериш ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Мукофотланганларга Президент стипендиялари билан бирга қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди.

Тадбирда республика Олий Мажлиси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродов иштирок этди.

(ЎзА).

МАКТАБ БОЗОРИ

Кўп ўтмай мактабларда яна қайноқ ҳаёт бошланади. Ота-оналар ҳозирдан фарзандига мактаб учун лозим бўлган ўқув анжомларини олиш фикрига тушган. Ҳукумат миқёсида эса, аниқроғи Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Узбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси, «Узбекбирлашув» бошқарувининг ҳамкорликдаги буйруғи чиқди. Унда барча жабҳадаги корхона ва муассасаларга янги ўқув йили яқинлашгани муносабати билан савдо ишларини кенг йўлга қўйиш, пештахталарни зарурий ўқув жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси юкланган.

Хўш, амалда бу ишлар қандай бажариляпти? Шу каби саволларга жавоб излаш учун мактаб бозорларида бўлиб қайтдик. Жумладан, Тошкентдаги «Болалар дунёси» жамоа корхонаси раиси Мақсуд Сайфуллаев билан бу борада гурунглашдик ҳам.

— Ойнаи жаҳонда мактаб учун зарур бўлган буюмларнинг нархи 30 фоиз тушганлиги ҳақида гапирилди. Ростданам шундайми?

— Ойнаи жаҳондагилар бир оз бошқача тушунишибди чоғи. Чунки илгари давлат бюджетидан пул ажратиларди. Ҳозир ундай эмас. Шунинг учун барча нархлар 30 фоизга туширилгани йўқ. Бироқ айрим маҳсулотларнинг нархлари 50 фоиз туширилган. Масалан, ўтган йилдан сотилмай қолган ўқувчи қизларнинг ёзги кийимларининг нархи тушганлиги фикримизга далилдир.

— Кечирасиз, нега сотилмай қолганди? Нарх сабаби ё сифатми?

— Аввало ҳозир нархни туширидик. Ҳозир ҳар куни ўртача 300 тадан либос сотиляпти. Лекин барибир матонинг сифатига, либоснинг хушбичим тикилганига эътибор бериш керак деган фикрдаман. Ахир, бола бола-да. Кийимини тез-тез ювишга тўғри келади. Икки марта ювилгач, мактабга кийиб бўролмаса, арзон бўлган билан не фойда.

— Дафтар-қаламлар борасида нима дейсиз? Етарлими? Нархи-чи?

— Товарлар етарли. Фламастер, буёқларнинг нархларини 25-30 фоиз туширидик. Фақат, қора қалам ва дафтар муқовалари камроқ.

— Дўконингиздан пул ўтказиш йўли орқали маҳсулот олиш мумкинми?

— Бемалол.

— Қўшма буйруқда «Ҳамма мактабларда ўқувчилар либоси ва ўқув қуролларига муҳтожлар рўйхатини тузиш, кўп болалик ва кам даромадли оилаларга мактаб товарларини харид қилишда умумтаълим фондидан ёрдам бериш чора ва тадбирларини ишлаб чиқиш» тўғрисида алоҳида банд бор. Бирор мактаб ё корхона сизга мурожаат қилдими?

— Ҳозирча йўқ. Бироқ биз ўз ишчи-ходимларимизга шундай ёрдам кўрсатяпмиз.

ИЗОҲ: ўқувчи учун энг керак бўлган ўқув қуроли дафтар, қалам, ручка ҳисобланади. У ерда бир дона 18 бетлик дафтар 5 сўм 30 тийин, ручканинг энг арзони 4 сўм. Биз бозорлардаги нархлар ҳақида ҳам қизиқиб кўрдик. Отчопардаги нархлар давлат дўконларидан арзонроқ. Масалан, 18 бетлик дафтар 3 сўм 80 тийин, ручка 3 сўм. Ким билсин, бозор бозор-да, қанча олишингизга қараб нарх белгиланади.

Хулосамиз шу бўлдики, қўшма қарорда таъкидланганидек, кўп болалик ва кам даромадли оилаларга ёрдам кўрсатилади. Бунинг учун ҳар бир мактабда шундай оилалар рўйхати тузилиши керак бўлади. Ота-оналарга маслаҳатимиз қандай бўлиши мумкин? Табиийки, фарзандларга ўқув молларини ўз вақтида олиб беришса бўлгани. Уларни қаердан олиш, албатта, ҳар бир ота-онага ҳавола.

Ҳ. ОМОНХОН.

«Маърифат» хабарлари

ЮЛИЯНИНГ ЮТУҒИ

Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган «1995 йил ўқитувчиси» кўрик-танловида 22 та шаҳар ва туман мактабларидан энг пешқадам муаллимлар иштирок этишди. Танловда фахрли биринчи ўринни Нукус шаҳридаги тил ўрганиш марказининг инглиз тили ўқитувчиси Юлия Мирошниченко эгаллаб, сентябрда мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган «Йил ўқитувчиси — 95» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Интилганга толе ёр» дейишади. Қардошларимиз ўз голиб ўқитувчиларининг навбатдаги зафарига ҳам умид билдиришмоқда.

ЮРТ ПОСБОНЛАРИ ТАРБИЯСИ

Андижоннинг ҳарб санъатига қизиқиши кучли бўлган усмирлари учун иқтидорларини намоён этишга имконият туғилди. Вилоят ҳокимининг қарорига кўра Асака шаҳрида ҳарбий лицей ташкил қилинди. Юрт посбонлари тарбиясини зиммасига олган янги муассаса келаётган ўқув йилидан ўз фаолиятини бошламоқчи.

ЎЙИНЧОҚ ҚАДРИ

Табиийки, болалар ўйинчоқни севишади. Ўз қўллари билан ясашган ўйинчоқни эса қадрлашади. Марҳамат тумани боғчалари ўртасида ўтказилган «Севимли ўйинчоқ» танловида ҳам ушмундай қадрли ўйинчоқлар намойиш қилинди. Намойиш ўйинчоқлар қадрини янаям ошириб юборди. Орзу номли 15-боғча жамоаси томонидан тайёрланган кўргазма танлов биринчилигига муносиб кўрилди.

ЎҚИТУВЧИЛАР БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА

Марҳамат туманининг бир қатор боғчаларида болаларга инглиз тилини ўргатиш учун ўқитувчилар жалб қилинганди. Натижа чакки бўлмади. Хусусан, 1-боғчада 9-ўрта мактабдан Фотимахон Мадаминова, 8-боғчада 27-ўрта мактабдан Манзурахон Йўлдошева, 15-боғчада 30-ўрта мактабдан Шарофатхон Жабборова сингари инглиз тили муаллимлари машғулотлар ўтказиб, яхши кўрсаткичларга эришдилар. Энди бу боғчаларда тарбияланаётган болаларга инглизчада элликкача санаш ёки 4-5 та шеърни ёддан айтиш «чўт» эмас.

МУЖУНДА НАФИС МАЖЛИС

Адабиёт ва санъат анжуманлари — халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи бир анъанадир. Яқинда Ленинобод вилоятининг Мужун қишлоғида бўлиб ўтган маърифатпарвар шоира Зулфия Бобоева таваллудининг 40 йиллиги тантаналари ҳам худди шундай анъана тусини олди. Кечада ўзбек ва тожик адабиётининг бир гуруҳ кўзга кўринган вакиллари иштирок этишди.

Дарвоқе, ушбу нафис мажлиснинг барча сарф-харажатлари Ғонча тумани ҳокимияти ҳисобидан бўлди.

«ВАТАН МАДҲИ»ДАН БЕБАҲРА ҚОЛМАНГ!

Ўзбекистон композиторлар уюшмаси аъзоси Султон Анваров яқинда бошлаган хайрли ишини ниҳоясига етказди. У, узоғу яқинда яшаб ижод қилаётган қашқадарёлик шоирларнинг шеърларига куй басталаб, «Ватан мадҳи» деб номланган қўшиқлар тўпламини чиқарди. Тўпламдан таниқли шоирлар Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, ҳамда Сувон Соқий, Баҳром Махмуд, Рустам Очил каби маҳаллий ижодкорларнинг ранг-баранг мавзудаги 35 қўшиғи жой олган.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим методика маркази томонидан 3 минг нусхада чоп этилди.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида А. ОМОНБОЕВ тайёрлади.

Қадриятларимиз

ҲУРРИЯТ БАЙРАМИ

1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб, унинг саҳифаларидан абадул-абад ўрин олди. Бу кун ҳаммамиз учун азиз байрам бўлиб қолди. Халқимизнинг дилидаги орзулари ушалди. Мана, тўрт йилдирки, Ўзбекистон мустақиллиги куни энг катта шод-хуррамлик байрами сифатида нишонланмоқда. Ҳар гал бу муқаддас байрам шарофати билан юртимиз шукуҳли қиёфа касб этади, чиройига чирой, ҳуснига ҳусн қўшилади.

Бу улуғ айёмда халқимиз қадриятларга асосланган ҳолда, одамлар ўртасида мурувват, меҳр-оқибат, хайр-саҳоват, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, одамийлик каби ахлоқий фазилатларини намоён қиладилар. Қарияларга, ота-оналарга ҳурматда бўладилар. Болаларга, етимесирларга совға-саломлар улашадилар. Ўз халқига, миллий қадриятларига содиқ эканликларини кўрсатадилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг асосини она диёр, она халқ, она тилини севиш, улуғлаш, асраб-авайлаш туйғуси ташкил этади. Инсон ўз Ватанида камол топар экан, Ватанга муҳаббат туйғуси билан яшайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи юқори синф ўқувчиларига мустақил Ўзбекистон, унинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси ҳақида маълумот бериши ва уларни элим деб, халқим деб яшашга даъват этмоғи зарур. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг битмас-туганмас бойликлари, обод шаҳар ва қўркам қишлоқлари, шарқираб оқаётган сойлари-ю гуллаб-яшнаётган боғлари, қорли тоғлари билан фахрланиш ҳар бир ўқувчининг бурчи бўлиб қолмоғи лозим.

Мустақиллик туфайли Ватанимизга бўлган юксак эътиқод билан яшаш, Ватанга муносиб бўлиб қолиш, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини доимо юксалтириш, ҳар бир ўқувчининг туйғуларидан келиб чиқиши керак. Ватанни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас ишимиздир. Ватан! Не-не азиз инсонлар вояга етган, унинг порлоқ истиқболи учун жон фидо этган замин. Эл борки, Ватан бор, Ватан борки, эл бор. Элсиз Ватан — биёбон. Ватансиз эл дарбадардир.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига ғоят буюк, муқаддас бир вазифани юклади. Бу — Ватанни том маънодаги Ватан қилиш бурчидир. Ҳуррият ва истиқлол йўллари ҳеч қачон осон бўлган эмас. Шундай экан, Ватанни худди ота-онани севган каби севмоқ керак. Унинг озодлиги, поклиги учун курашмоқ зарур. Келажакда Ўзбекистон Республикаси жаҳонга маълум ва машҳур, иқтисодиёти қудратли, улкан маданиятли буюк давлат бўлишини, бунинг учун ёшларнинг ўқиши, Ватанга содиқ ва керакли фуқаро бўлиши тушунтирилиши керакдир. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларида ватанпарварликни шаклантиришда қуйидагиларни амалга ошириши зарур деб билдик:

— она-Ватанга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, унинг равнақига ҳар бир ўқувчининг ўз ҳиссасини қўшишга эришиш;

— она-Ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўқувчи онгига сингдириш ва унга содиқ бўлиш;

— Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш;

— ўзбек халқининг маданий меросларини ҳисобланган маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш ва уларнинг тарихи ҳамда бугунги кундаги аҳамиятини билиш;

— ўз миллатига, она Ерига, имонига содиқ бўлиш;

— соғлом кўч, соғлом тафаккур, имон ва покизаликни шакллантириш;

— Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш, Ватан тараққиёти, миллат обрўсига ҳисса қўшиш, фойда келтириш, фидойилик ва ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шуҳрати манфаати билан яшаш. Ватан тараққиёти, миллат обрўсига ҳисса қўшиш, фойда келтириш, фидойилик ва ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шуҳратини, манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлиш;

— ҳар бир ўқувчининг ўз халқига бўлган фидойиликлари ва халқ дардини ўз дардларидек ўйлаб яшаши, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишига ҳисса қўшиш.

Мустақил республикамизга мустақил ёшлар керак. Мактаб ўқувчиларининг ҳар томонлама баркамол, билимдон, уддабурон, ишбилармон, етук ватанпарвар ва инсонпарвар бўлиши давр талаби, замон талаби. Бу муҳим вазифаларни адо этиш мактаб ўқитувчилари олдига юксак талабларни қўяди.

Ўзбекистон мустақиллиги байрамига ҳар бир мактаб ўқитувчилар жамоаси катта тайёргарлик кўриши зарур. Бунинг учун мактаб педагогика кенгаши ва жамоат ташкилотлари пухта ишланган режага эга бўлиши лозим. Режада биринчи навбатда ўтказиладиган байрамнинг йўналишлари белгиланиши ва бу йўналишлар таълимнинг мақсад ҳамда манфаатларига қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик байрами том маънодаги байрам сифатида ўтказилиши аҳамиятлидир. Бу кун ўқувчилар ҳаётида унутилмас бўлиб муҳрлансин.

Улфат МАҲКАМОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Бозор иқтисодиёти ва халқ таълими

ТАДБИРКОРГА ТАҚДИР ЁР

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бозор иқтисоди шароитида мактаб, мактабгача тарбия, ҳунар билим юртларининг иқтисодий аҳволини ўнглашга катта эътибор билан қараётир. Бошқарма тасарруфидаги муассасаларнинг ер майдонлари, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиш йўллари изланяпти. Бу, фақат маблағга қараб қолмасдан қўшимча даромадлар топишга ундамоқда.

Ҳозирги вақтда ҲБЮлари, мактаб-интернатлар ва болалар уйидаги ўқув хўжаликларида 404,39 гектар, умумтаълим мактабларида 217,6 гектар ер майдонларида пиёз, карам, буғдой, турп, шолғом, сабзи каби сабзавот маҳсулотлари етиштириляпти. Шунингдек, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари мавжуд. Ангор туман ҳокимининг шу йил 23 январдаги 21-сонли қарорига мувофиқ умумтаълим мактабларининг ҳар бирига 2 гектардан ер ижарага берилди.

Денов туман халқ таълими бўлимига қарашли ўқув даргоҳларида лимонзорлар ташкил этиш ғояси кўпчиликка манзур бўлди.

Денов туманидаги Т. Солиев номли 6-ўрта мактаб ўтган ўқув йилида эртаги пиёз экиб, ундан катта даромад олган эди. Янгидан очилган майдонга 5000 туп Калифорния тераги қаламчаларини ўтқазиб, шу йил бошида 8000 сўм соф даромад олишди. Бу йил кўкламдан эртаги пиёз экилиб, парваришланди. Ҳосил мўл-кўл.

Мактаб жамоаси бу билан чегараланиб қолгани йўқ. Чунки ишчи кучи етарли. 80 нафар педагог 1126 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия беришади. Ўқувчиларнинг меҳнат қилишга иштиёқлари бор. Улар оила бюджетига даромад келтиришга ҳам ўрганяптилар. Ёш санъаткорлар гуруҳи пулли концертдан бир йилда 1200 сўм, тикиш-бичиш цехи ойига 150 сўм фойда келтирмоқда. Педагогик кенгаш аъзолари ва касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти, ўқувчилар комитети тушган даромадларни мактаб сарф-харажатларига ишлатади. Илғор ўқитувчи ва ўқувчилар рағбатлантирилади. Моддий жиҳатдан қийналган оилаларга ёрдам уюштириляпти. Хуллас, фақат ойлик маошга қараб ўтириш бу жамоа аъзолари учун ёт.

Бундай ўқув масканлари Ангор, Шўрчи, Термиз туманларида, умуман вилоятнинг барча ҳудудларида кўпайиб бораётганлиги ижобий ҳодисадир. Туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан берилган маълумотларга кўра, 1995 йилда ер майдонларининг ўзидангина қарийб 13 миллион сўмлик даромад олиниши кутиляпти.

Сирасини айтганда, ўзини-ўзи маблағ билан тўла таъминлай оладиган жамоалар пайдо бўлаётир. Сурхон воҳасидаги 754 та умумий таълим мактаби, ҲБЮлари, мактаб-интернат, меҳрибонлик уйлари, лицей-мактаблар, гимназиялар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалари ёппасига бозор иқтисоди шароитида халқ таълимини ижтимоий ҳимоялаш борасида яхши тажриба тўплаганлар. Шу боисдан республика Халқ таълими вазирлиги ўзининг апрель ойида бўлган кўчма ҳайъат йиғилишини шу вилоятда ўтказиб, улар тажрибасини ўрганишди.

Айни кунларда халқ таълими бошқармаси ушбу тадбирни намунали ўтказиш учун барча куч ва имкониятларини ишга соляпти. Кўргазмали семинарлар ва йиғилишлар уюштирилиб, уларда ўқувчилар меҳнати билан тайёрланган, етиштирилган, парваришланган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Уларнинг савдоси йўлга қўйилган. Тайёр маҳсулотларнинг ўз харидорлари бор. Эндиги мақсад кичик корхоналар очиш ва уларда қишлоқ хўжалик ва саноат ашёларини қайта ишлаб, даромад миқдорини орттиришдан иборат.

Норқувват ТЎРАЕВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси «Мураббий» газетаси муҳаррири.

Ўқитувчиларнинг август кенгашларига

Пойтахтимиздаги 197-мактабда ҳам барча илм масканларидагидек, янги ўқув йилига тайёргарликнинг сўнгги паллалари. Тажрибали педагоглардан иборат кенгаш ҳар бир ишнинг пишиқ-пухта режасини тузмоқда.

Суратда: кенгаш аъзолари ўзаро маслаҳатлашмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МАЪРИФАТ КАМОЛОТГА ЧОРЛАР

«Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу».

Ислом КАРИМОВ.

Кишилик жамиятининг барча тараққиёт босқичларида инсонлар ўзлари қонуний озод инсон бўлишлари учун аввало, она-Ватанни озод ва мустақил кўришни орзу қилганлар. Мустақил Ватаннинг фуқароси бўлишдек бахт учун лозим бўлса жон фидо қилиб курашганлар. Чунки ота-боболаримиз, момоларимиз Ватан мустақил бўлгандагина авлодларининг келажаги баркамол бўлишлигини англаганлар.

Тарихнинг далолат беришича, истиқлолга эришган давлатлар учун ўз мустақиллигини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маърифий ва маънавий жиҳатдан таъминлашдек шарафли ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш ҳеч қачон осон кечмаган.

Бизнинг орзу-ниятларимиз, мақсадларимиз, келажагимизни қонуний таъминлаш учун юртбошимиз раҳбарлигида тайёрланган ва амалда бўлган Асосий қонунимиз талабларига мувофиқ ислоҳотлар **маърифатли иқтисодиётга асос солиш билан бирга, жамиятда маърифатли давлатчилик** муносабатларининг таркиб топтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда жамиятнинг барча қатламларида **маърифий демократия** жараёнлари жадаллашмоқда. Инсонпарварликка асосланган миллий истиқлол мафкураси шаклланмоқда, жамиятда янги сиёсий партиялар ва ҳаракатлар учун тўлиқ сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муҳит яратилганлиги боис кўппартиялилик тобора мустаҳкамланиб, жамиятда қонунийлик, хурфикрлилик ва маърифатлилик қарор топмоқда.

Инсон шахс сифатида маърифатли бўлишга интилса, қанчадан-қанча илм мактабларининг сабоқларини ўрганмоғи, фан сўқмоқларидан изчил ҳаракат қилмоғи, бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни енгмоғи ва ўзининг қайсидир орзу-ҳавасидан кечмоғи лозим бўлади. Бир миллатнинг ёки бир давлат фуқароларининг олам сирларидан воқиф қилиш, уларни ҳуқуқий билимлар воситасида жаҳон сари етаклаш ҳамда халққа маърифий дунё сингари яшаш шароитини яратиш осон, силлиқ кечадиган иш эмас, аксинча, бу ўта мураккаб жараён. Халқимиз, зиёлиларимиз, ёшларимиз, барча фуқароларимиз бир жону бир тан бўлиб ислоҳотларда келажак авлодларнинг маърифатли дунёда яшашлигини истаб, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил қилмоғи ҳамда истиқлол қўйган талабларга масъулият билан ёндашмоғи лозим. Ватанимиз мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлашда тадбиркорларимиздан фақат ўз манфаатларини ўйламайин, фарзандларимизни комил, фозил, меҳнатсевар, инсонпарвар, юртпарвар қилиб тарбиялашдек муқаддас ишларда фаол қатнашиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида белгиланган қоидаларнинг умуминсоний моҳияти жамиятимиз тараққиёти юксак маънавиятсиз амалга ошмаслигини далиллар асосида исботлаб, маърифий-маданий соҳалардаги вазифаларимизни белгилаб берганлиги билан қимматлидир.

Истиқлолимиз туфайли мамлакатимизда азалий қадриятлар тикланмоқда, маҳаллаларда миллий одоб-ахлоқ мактаблари жонланмоқда, фуқароларда имон, инсоф, ҳалол мулкдорлик хислатлари шаклланмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон халқлари динидан, эътиқодидан, жинсидан, миллатидан қатъи назар, жаҳон маданияти ва маърифатидан баҳраманд бўлишдек бахтга сазовор бўлди. Давлат сиёсатига холис баҳо бериш, даҳо боболаримизнинг фалсафасидан ўрганиш, буюк аждодларимизнинг жаҳон маданияти ва маънавиятининг шоҳ асарлари ҳисобланган тафаккур хазиналаридан фойдаланиш, илмий таҳлил қилиш, мустақил фикрлаш учун сиёсий, моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратилди.

Ватанимизда мустақиллик йилларида жаҳон маънавият боғининг гултожлари деб тан олинган буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Исмоил ал-Бухорий, ат- Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нодирабегим, Боборахим Машраб, Феруз ва Абдулла Қодирийларнинг тўйлари тантанали равишда ўтказилиши, китобларининг чиқарилиши, қадамжоларининг таъмирланиши, энг муҳими, уларнинг бебаҳо асарлари қайчиланмай чоп этилиши ҳозирги ривожланган мамлакатларга Ўзбекистон бўйи-бастини намоён қилиб, жаҳон жамоатчилиги ҳурматига сазовор бўлишига олиб келди.

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқимиз томонидан онгли равишда қўллаб-қувватланаётганлиги маърифатли дунёга юз тутганимиздан далолат беради, мамлакат миқёсида хусусий мулкчиликни ривожлантириш, иқтисодий мустақилликни қўллаб-қувватлаш, мулкий дахлсизликнинг қонунларда кафолатланганлиги, ногиронларни, фахрийларни, она ва болаларнинг, талаба ва ўқувчиларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага олинганлиги Ўзбекистоннинг келажакда буюк маърифий давлат бўлишлигидан дарак беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликлари муқаррар бўлиб, у сиз билан бизга озодлик даврининг қўйган жиддий синови ва ҳаётий талабидир.

Республикамиз мустақиллигининг белгиларидан бири бўлган миллий валютамиз юзида ҳам маърифий ва маънавий обидаларимизнинг акс эттирилиши фуқароларимизда миллий ғурур, миллий ифтихорнинг шаклланишига, иқтисодиётимизнинг самарали йўналишлари, янги қирраларини очилишига, халқларимизнинг миллий маданияти ва маънавияти юксалишига, умуммиллий тотувликка, Ўзбекистонда дунё тан оладиган **маърифатли жамиятни** вужудга келтиришга хизмат қилади.

Улаш УМАРОВ,
ҳуқуқшунос.

СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ САРИ

Сўнгги йилларда таълим тизими ҳам ташкилий, ҳам мазмун жиҳатидан жиддий ўзгаришлар сари юз бурди. Дарсликлар янгиланди. Миллий педагогикага асосланган илғор иш усуллари жорий этилмоқда. Мактабга компьютер кириб келди. Иқтидорли болаларнинг мактаблари ташкил қилинди. Фанлар бўйича олимпиадалар мунтазам йўлга қўйилди. «Йил мактаби», «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» курик-танловлари, ижодкор ўқитувчилар анжумани ва бошқа тадбирлар анъанага айланди.

Тобора эътибор топиб бораётган тест ва рейтинг усуллари ҳам сўнгги йиллардаги муҳим янгиликлардир. Маълумки, бир пайтлар психология китобида тест синовлари қораланган эди. Лекин бугун у яна ҳаётий эканлигини исботламоқда. Ишнинг натижасини кўрсатувчи бошқа бирор улчов, мезон борми? Менимча, йўқ. Тестни тан олиш адолатдир. Мен туманимизда ўқитувчилар тест синовидан ўтказилгандан кейин шунинг гувоҳи бўлдимки, ҳамма ўз ишига янгича, жиддий ёндаша бошлади. Ҳар хил гап-сўзларга ўрин қолмади. Ким қандай имкониятга эга эканлиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Айниқса, ёшлар енг шимариб ишга киришмоқда.

Тест билимнинг мезони бўлса, рейтинг меҳнатнинг улчовидир. Рейтинг ўқитувчилар, мактаблар, туманлар орасида юргизилса, ким қандай ишлаётган, бошқариш маданияти қанақалиги — ҳамма — ҳаммаси кафтдагидек кўринади қолади. Энг асосийси, мактаб ички ҳаётини соғломлаштиради. Гуруҳбозликка, маҳаллийчиликка, дангасалликка кескин зарба беради.

Яқинда «Маърифат» газетасида «Директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай» номли мақола эълон қилинди. Мактаб ички ҳаети қўпроқ директорларга боғлиқ эканлиги рост гап. Аввало, мактаб директори дарс беришда ҳам карвонбоши бўлиши кераклиги тўғри таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам мактаб раҳбарлари ҳар томондан етакчи бўлмоқлари лозим. Акс ҳолда жамоани ўзига эргаштира олмайди, мактабни бошқариш қийин бўлиб қолади. Ахир, мактабда давлат сиёсатини тўғри олиб боришимиз энг биринчи вазифа-ку!

Бугунги янгиликлардан орқада қолиш зиёлиларга ярашмайди. Мактабларда ўқитувчилар кенгашлари қандай ўтади? Унда нималар қурилади? Буларни ҳам жиддий ўйламоқ лозим. Мактабнинг ички ҳаети раҳбарларга боғлиқ. Туман халқ таълими бошқарувидаги раҳбарлар мактаб ҳаётининг барча икир-чикирларини билиши қийин. Бугун раҳбарларнинг масъулияти ҳар қачонгидан ҳам каттароқдир. Буни ҳаёт кўрсатмоқда. Хуллас, таълим ва тарбияни мустақил мамлакатимиз аҳлоқ негизлари асосида ташкил этишни унутмаслигимиз лозим. Булар умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намойиш қилиш ва ватанпарварлик каби боқий тушунчалардир.

Мана шулар асосида дарслар ўтсак, дарсликлар яратсак, муддаога етган бўламиз.

Ўқитувчиларнинг август кенгашларида Президентимизнинг истиқлол ва маънавият ҳақидаги фикрларини таълим жараёнига сингдириш, таълимдаги янгиликлар моҳияти ва тажрибали муаллимларнинг иш услублари ҳусусида ҳам кенг баҳс юритилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл туманидаги 9-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ЎҚИШЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 1-СИНФИ УЧУН ДАСТУР ВА ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН ТАНЛОВ

НИЗОМИ

1. Танловнинг мақсади ва вазифалари

Бошланғич таълимни тубдан қайта қуришга йўналтирилган 2000 йилгача мўлжалланган комплекс мақсадни дастурда таълим-тарбияни ривожлантириш истиқболлари ёритиб берилган. Унда Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси ғоялари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилади.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги ва келгусида дарслик ва бошқа қўлланмаларнинг лотин имлосидаги янги алифбода яратилиши лозимлиги муносабати билан уларга қўйиладиган талаблар яна ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун яратиладиган дарсликларга очиқ танлов эълон қилади.

Танловдан асосий мақсад — республика мустақиллиги, унинг қадриятлари ва бой тарихий, маданий меросидан баҳраманд бўлган ҳолда унинг миллий маърифий мафкурасини тараннум этувчи ҳамда мамлакатимиз келажаги бўлган авлодни камолга етказиш учун хизмат қиладиган дарсликлар яратишдан иборат.

Танловда умумтаълим мактаби таянч ўқув режасига киритилган ва 1-синфда ўқитиладиган фанлар юзасидан дастур, дарслик ва қўлланмалар қатнашади.

II. Танловни ташкил этиш

Танловда амалдаги дарслик муаллифлари, илғор ўқитувчилар, тажрибали методистлар ва таниқли олимлар қатнашишлари мумкин.

Қўлёзма РТИММга икки нусхада тақдим этилади.

Муаллифнинг исми шарифи кўрсатилмайди. Устки варағида рамзий белги ёки шиор (девиз) қўйилади. Қўлёзма машинкада (стандарт шрифтда, 2 ораликда ва қоғознинг бир томонига) босилади. Муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи хат жилдга олиб елимланган қўлёзма устига фақат рамзий шиор ёзиб, ўзлари ҳақида (исми шарифи, маълумоти, унвони, касби, иш жойи, эгаллаган лавозими ва манзили) алоҳида хатда маълум қилиш керак.

Ҳар бир фан юзасидан яхши дарсликларни танлаш учун танлов ҳайъати тузилади. Бу ҳайъатга ўқитувчилар, методистлар ва илмий-педогогик ходимлар киритилади. Қўлёзма муаллифлари танлов ҳайъатига аъзо бўла олмайди.

Халқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан, ишлар 1995 йил 1 декабригача қабул қилиниб, 1996 йил 31 февралда якунланади. Танловда якка шахслар ҳам муаллифлар гуруҳи ҳам ўз ишлари билан қатнашишлари мумкин. Танлов натижалари матбуотда эълон қилинади. Тақриз, хулоса ва бошқа ҳужжатлар ошкор қилинмайди.

III. Дастур ва дарсликларга бўлган талаблар

Мазкур дастур, дарслик ва қўлланмалар мазмуни «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида яратилган Давлат Таълим стандартлари талабларига мос ва халқаро билим мезонларига мувофиқ илмий ахборотлар билан йўғрилган бўлиши ҳамда илмийлик, ғоявийлик, узвийлик каби маърифий тизимларга мувофиқ бўлиши керак.

Фанлар бўйича ўқув маълумотлар мантиқий кетма-кетликда, фанаро ва фанлараро боғланишнинг бир бутун тизимини ташкил этади. Дарсликда асосий илмий ғоялар, қонунлар, тушунчалар моҳияти ўқувчилар учун тушунарли шаклда очиқ баён этилиши, дарслик мазмуни илмий дунёқараш асосларини шакллантириш, халқ фаровонлиги йўлида онгли меҳнат қилиш, ватанпарварлик талабларига жавоб бериши керак.

Дарслик мазмуни, яъни ундаги илмий тушунчалар, амалий машқлар ўқувчиларнинг ёшига, билимига, ўзлаштириш имкониятига мос бўлиши лозим. Хулосалар асосли, ўрганилган воқеликнинг амалиётда тўғри татбиқ этишлиши методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиши, ўқув маълумотлари аниқ, равон ва ўқувчилар учун тушунарли, қизиқарли ва таъсирчан бўлиши керак.

Дарслик бу билим манбаи ва ўқувчиларнинг билим фаолиятини бошқариш вазифасини бажаради. Эгаллаган билимларни мустақил равишда амалиётга татбиқ этиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради. Дарсликда мустақил иш учун мўлжалланган махсус топшириқлар бўлиши керак.

Ўқув ахборотлари (матн, топшириқ, машқ, тавсиялар, изоҳ, кўрсатма ва бошқалар)ни тавсия этиш шакли ва ўқувчиларга етказиш йўсинномаси ўқувчиларнинг шу фанга қизиқишини оширишга йўналтирилиши, ўрганилган билимларни меҳнат ва кундалик ҳаётга татбиқ этишга ёрдам бериши ҳамда ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Ўқувчиларнинг билиш ва ижодий қобилиятини ривожлантириш учун дарсликка ақлий ва жисмоний меҳнатнинг умумий назарий ва амалий кўникмаларини шакллантирувчи топшириқ ва машқлар киритилиши керак.

Дарсликни яратишда келажак мактабида оддий ҳисоблаш техникаси ва компьютерлардан фойдаланиш ҳам назарда тутилиши керак.

Дарсликда баён этиладиган ўқув маълумотларнинг умумий ҳажми дастурда белгиланган ва уни ўрганиш учун ажратилган вақтга мос келиши керак.

VI. Танлов ғолибларини рағбатлантириш

Ҳакамлар ҳайъати танловга тақдим этилган дастур ва дарсликлар юзасидан якун чиқаради ва вазирлик тасдиғига тақдим этади. Танлов якунлари вазир буйруғи билан тасдиқлангандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

Танлов ғолибларини рағбатлантириш учун қуйидагича мукофотлар белгиланади (ҳар бир фан учун алоҳида).

1 та 1-мукофот
Дастур учун — 15000 сўм
Дарслик-қўлланма учун — 5000 сўм
Методик қўлланма учун — 2000 сўм
1 та 2-мукофот
Дастур учун — 800 сўм
Дарслик-қўлланма учун — 2500 сўм
Методик қўлланма учун — 1200 сўм
1 та рағбатлантирувчи мукофот
Дастур учун — 500 сўм
Дастур-қўлланма учун — 1300 сўм
Методик қўлланма учун — 700 сўм

Танловда ғолиб деб топилган дастур ва дарсликлар РТИММнинг нашр режасига киритилади ва «Ўқитувчи» нашриёти орқали асосий дарслик сифатида чоп этилади.

Танлов якунлари «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарида эълон қилинади.

Танловда ғолиб деб топилмаган қўлёзмалар муаллифларига 1 нусхада қайтарилади. Танлов якунлари эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой давомида даъво ва шикоятлар билан ташкилий қўмитага мурожаат этиш мумкин.

ИЗОҲ: ташкилий қўмита танловда қатнашиш истагида бўлганлардан ўз ишлари (дастур, дарслик ва қўлланмалари)ни қуйидаги манзилга юборишларини сурайди: Тошкент - 700027, Узбекистон кўчаси — 80-уй, республика Таълим илмий-методика маркази.

БИР МАКТАБ ТАШВИШЛАРИ

Ҳозирги шиддатли замонда қайси соҳада бўлмасин, тадбиркорлик ва ишбилармонликсиз тараққиётдан орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас.

Пахтачи туманидаги 27-ўрта мактабда ишбилармонлик ҳаракати бундан 3-4 йил олдин бошлаб юборилганди. Мактабнинг кичкинагина боғида етиштирилган 350 килограмм олма сотилиб, бир жуфт қўй олинган эди. Бугунги кунда уларнинг сони 15 тага етди.

Мактаб соҳасида 35 йил ишлаб, ўн йилдан буён мазкур мактабга раҳбарлик қилиб келаётган жонкуяр инсон Н. Бобоноровнинг тиниб-тинчимаганлигини кўрган баъзи кишилар: «Бошқа иши йўқми бу кишининг», — деб гапиришади. Ишбилармон директор раҳбарлигида жамоа ҳашар йўли билан мактаб иссиқхонасини таъмирлаб лимон, гуллар етиштира бошлади.

Мактаб ер ҳудудида 1000 туп терак, 300 туп атиргул, 300 туп ёнғоқ, 400 туп мевали дарахт кўчатлари парвариш қилиниб, ҳосили сотилмоқда. Тушган маблағга мактабдаги электрон ҳисоблаш машинаси таъмирланиб, курси, ўтиргичлар, синфхоналар тузатилди.

Бугунги кунга келиб Н. Бобоноровнинг иши янада кўпайган. Мактаб биноси жойлашган Тош Кенжаев номли жамоа хўжалигидан ер олиб, мактаб деҳқончилик майдонини ташкил этиш ҳамда чорвачилик фермасини кенгайтириш нияти бор. Биз ушбу хайрли ишга барака тилаймиз.

Мардон СУЮНОВ.

ОБИД МУАЛЛИМ

Жуссаси кичкина, қотмадан келган, буғдойранг, жонкуяр устоз, ғамхўр оила бошлиғи Обид муаллимни Тошкент вилоятида халқ таълимига алоқадор булган ҳар бир киши яхши танийди.

Педагогик фаолиятини Паркент районидаги Будённий номидаги 5-мактабда она тили ва адабиётдан дарс беришдан бошлаган.

Обиджон 1942 йилда армия сафига чақирилди. 1-Украина фронтининг 136-ўқчи дивизияси таркибида бўлим командири сифатида жангларда қатнашди. Обиджон Харьков, Полтава, Киев областлардаги ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни озод қилишда жасорат кўрсатди. Унинг тадбиркорлиги, мардлиги, айниқса, Днепр дарёсини ўз бўлинмасидаги жангчилар билан бирга биринчилар қаторида кечиб ўтиш вақтида намоён бўлди.

Сержант Зокиров қўмондонликнинг Днепрдан кечиб ўтиш топшириғини намунали бажарганлиги муносабати билан «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Жангчи-аскар Обиджон ўша жароҳатдан сўнг узоқ вақт даволанди, кейин эса заҳирадаги ҳарбий қисмларда хизмат қилди. Орадан бироз вақт ўтгач, Обиджон ҳаракатдаги ҳарбий қисмга юборилишини сўраб, қўмондонликка ариза берди. Шундан сўнг, у 1945 йилда Шарқий Пруссия ерларини озод қилишда қатнашиб, «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Унинг кўксини безаб турган жанговар мукофотлар суронли йилларда кечган умрининг ёркин нишонидир.

Обиджон Иккинчи жаҳон урушини 22 ёшида минг-минглаб ўзбек ўғлонлари қаторида ғалаба билан якунлаб, ўз она юртига ёруғ юз билан қайтиб келди. У тинчлик йилларида уруш ветерани сифатида иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларига таклиф қилинди. Шундай учрашувлардан бири Киев шаҳрининг Дарница районидаги 236-мактаб ўқувчилари билан булганини эслаб Обид муаллим қуйидагиларни гапириб берди:

— Учрашув бошланишидан олдин йиғилишга таклиф қилинган фахрийлар бир-бирларини табриклаб, ҳол-аҳвол сўрашдилар, тинч меҳнат фаолиятлари ҳақида бир-бирларига мароқ билан гапириб бердилар. Йиғилиш бошлангач, мен ҳам сўзга чиқиб республикамиз, вилоят ва туманимиз фуқароларининг ҳаётлари ҳақида гапириб бердим. Мактаб музейига биз жанг қилган дивизиянинг тарихига оид ўзимда бўлган ҳужжат ва суратларни совға қилдим. Дивизиямиз тарихига оид музейлар Туркманистоннинг Кўктепа туманидаги 1-мактабда, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 190-мактабда, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 6-мактабларда ҳам ташкил этилган.

Обид ака Зокиров урушдан кейин ўзининг севган касби ўқитувчиликни давом эттириш билан бирга 1946 йилда Тошкентдаги Белинский номидаги кечки педагогика институтига ўқишга кириб, 1951 йилда унинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини аъло баҳолар билан битирди. Унинг ташкилотчилик қобилияти Тошкент тумани комсомол комитетининг котиби лавозимида ҳамда Калинин район халқ таълими бўлимида турли лавозимларда, мактаб директори вазифаларида ишлаганида кўзга яққол ташланди. Обид ака кўп йиллар давомида Назарбек қишлоқ кенгашининг депутати, моҳир ташвиқотчи, билим жамиятининг аъзоси сифатида туман меҳнаткашлари томонидан катта ҳурматга сазовор бўлган муаллимдир.

Обид ота Зокиров салкам 50 йилдан бери муаллимлик қилиш билан бирга ўз фарзандларида ҳам ўқитувчиликка муҳаббат уйғотди. Ўғли Баҳром ёшларга рус тили ва адабиётидан дарс бермоқда. Қизи Дилбар тарбиячи, Муяссар ҳам республика рус тили ва адабиёти институтини битириб, муаллимлик қилмоқда.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Пахтакор» маҳалла аҳли Обид ота Зокировни ҳақли равишда «Обид муаллим» деб аташади. Унинг ҳамма ютуқларида 50 йилдан ортиқ ёнма-ён қадам ташлаб келаётган умр йўлдоши Муаттар аянинг хизматлари беқиёсдир.

Обид ота ва Муаттар ая пири-бадавлат. Улар 9 нафар фарзандни тарбиялаб, йигирмадан ортиқ набираларни меҳр оғушида вояга етказаётирлар.

Уруш фахрийси, халқ таълими заҳматкаши, ёшларнинг мураббийси Обид отага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оиласига осойишталик, қут-барака, хотиржамлик тилаймиз!

Абдулла САЙФУТДИНОВ.

Фахрийларимиз

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ҲАМКОРЛИК

Янги ўқув йилига мактаблар тайёрми? Бу ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан. Таҳририятимизга шундай мазмунда кўплаб хатлар келаётгани ҳам бежиз эмас. Шу муносабат билан Жиззах вилояти Зафаробод тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Раҳим Ҳамидов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Туманимизда 18 та мактаб бўлиб, таъмир ишлари ниҳоясига етди. Бунда Зафарбод ҳокимияти ва оталиқ ташкилотларининг ёрдамлари катта бўлди.

Тадбиркорлик билан иш юритаётган мактабларимиз ҳам талайгина. Туманимиздаги 3-ўрта мактаб Собир Раҳимов ширкат хўжалигидан икки йил олдин 25 гектар ер олганди. Пахта экишиб, толасини давлатга сотишди. Натижада мактаб машиналик бўлди, ўқув заллари эса видеоаппаратуралар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда ҳам ўзининг ҳисоб рақамида анча пули бор.

Мактабларни таъмирдан чиқариш билан бирга уларни зарур ўқув қўлланмалари ва кўрсатмали қуроллар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳозирги кунгача 50 мингга яқин дарсликни мактабларга тарқатдик. Булар ичида қардош тиллардаги дарсликлар ҳам бор. Барибир шу масала жуда қийин кечяпти. Чунки кўпгина дарсликлар, шу жумладан бошланғич синфлар дарсликлари кам. Шу масалада озроқ оқсаб турибмиз.

Шу кунларда туман марказий дўконида катта мактаб бозори ташкил этилди. Бундан ташқари туманга қарашли қишлоқ дўконларини ҳозир иложи борича ўқув қуроллари билан таъминлаяпмиз ва назорат қиляпмиз.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
СамДУ толиби.

Савол беринг, жавоб берамиз

ПЕДАГОГИК КЕНГАШ ҚАРОРИ БИЛАН...

Ҳурматли таҳририят! Сизга жавоблари яққол кўриниб тургандек туюладиган бир нечта савол билан мурожаат қилаяпман.

1. Мактабда директор якка ҳоким сифатида хоҳлаган кишини ишга қабул қилиши ёки бўшатиши мумкин. Касаба уюшмаси ёки педагогик кенгаш умуман аҳамиятсиз бўлиб қолган деган гапларга қандай жавоб бериш мумкин?

2. Педагогик кенгашда мактабнинг молиявий масалалари, жумладан мактабга ажратилган маблағ қандай тақсимланаётганлиги, кадрлар қунимсизлиги ва унинг сабаблари масаласи кўриб чиқиладими?

3. Педагогик кенгаш қарорини мактаб директори буйруқ билан (жумладан, оғзаки буйруқ билан) бекор қилиши, ўзгартиришлар киритиши ёки умуман эътиборсиз қолдириши мумкинми?

4. Педагогик кенгашнинг ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ёки бўшатишда, дарс соатлари ва тарбиявий соатлар тақсимотида иштироки қандай?

5. Ўқитувчиларга, газетага обуна бўлмаса, қандайдир китоб ёки лоторея харид қилмаса, маош берилмаслигини қандай тушуниш мумкин?

Хуршид ОЧИЛОВ,
Ургут тумани.

Мазкур саволларга республика Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармасининг бўлим бошлиғи Рашид Тошматов қуйидагича жавоб беради:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 августдаги 394-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси «Давлат олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактаблари педагог ходимлари билан меҳнат шартномаси тузишнинг контракт (битим) шакли тўғрисида»ги Низомга биноан, мактаб директори ўқитувчилар билан меҳнат шартномаси тузади. Бунда методбирлашмалар фикри инобатга олиниши лозим. Мазкур битим муддати тугаши ёки томонлар келишуви асосида тўхтатилиши ва узайтирилиши мумкин.

2. Агар мактабнинг молиявий-хўжалик фаолияти педагогик кенгаш режасига киритилган бўлса, кўриб чиқиши мумкин. Зеро, мазкур масалани назорат қилиш тегишли ташкилотлар зиммасига юклатилган. Мактабнинг педагогик кадрлар билан таъминланиши, кадрлар қунимсизлиги долзарб масалалардан бири, шу боис педкенгашда кўрилиши фойдадан холи эмас.

3. Педкенгаш қарори фақат шу кенгаш қарори билан бекор қилинади ёки ўзгартиш киритилади. Шу боис қабул қилинган қарор бажарилиши лозим.

4. Ҳафталик дарс соатлари тақсимоти ўқув йили якунидаги педкенгашда муҳокама этилади ва қарор қабул қилинади.

5. Газета ва журналларга обуна бўлиш, лоторея сотиб олиш ихтиёрий бўлиб, маош беришга боғлиқ эмас.

Янги дарсликдан саҳифалар

ИЛОҲИЙ ИШҚ ОШУФТАСИ

БОБОРАҲИМ МАШРАБНИНГ ҲАЁТИ, АВЛИЁЛИК ХИСЛАТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ, САРГУЗАШТЛАРИ

Бобораҳим Машраб Наманганда камбағал косиб Валибобо бўзчи хонадонида туғилди. У отадан ёш етим қолди. Бобораҳимнинг онаси ип йигириш эвазига оила тебратар, фарзанд тарбиялар эди. Бобораҳим мактаб таълимини наманганлик тақводор муаллим қўлида олди. «Қиссайи Машраб»да ҳикоя қилинишича, домла билан Бобораҳим ўртасида дастлабки дарсларда қуйидагича суҳбат бўлиб ўтади:

«Устозлари айдилар: «Эй ўғлум, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, «Алиф» денг». Шоҳ Машраб «Алиф» дедилар. Устозлари «Бе»денг» дедилар. Шоҳ Машраб устозларидан сўрдиларки: «Алиф»ни маъноси нима ва «Бе»нинг маъноси нимадур, эй домла?» Устозлари аччиғланиб дедиларки: «Эй, баччайи нодон, сан ким, бу маънини сўрамоқ ким?» Шоҳ Машраб айдилар: «Эй, домла, «Алиф» ни маъносини сиз айтмасангиз, ман айтарман». Устозлари айдилар: «Эй ўғлум, «Алиф»ни маъниси нимадур?» Шоҳ Машраб айдилар: «Домла, «Алиф»ни маъниси бирдур. Ул сабабдин «Бе» демасман. Мундин ўтмак хатодур». Устозлари бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдилар». Ушбу суҳбатда етти яшар боланинг устозини ҳайратда қолдириши Машрабдаги валилик хислатининг илк белгиси эди. Машрабнинг бу сўзлари жуда чуқур фалсафий маънога эгадир. Маълумки, араб алифбосидаги биринчи ҳарф «Алиф» абжад ҳисобида 1 рақамини англатади. Бу ҳол Машраб нигоҳида рамзий маъно касб этади. У «Алиф»нинг бирлигида Оллоҳнинг яккаю ягоналигини кўради. «Бе» ҳарфи 2 рақамини билдиради. Бу ёш Машрабга Оллоҳни иккилантириш, унга ширк келтириш, уни шерикдор қилишдек туюлади. Бобораҳимнинг «Алиф»дан ўтмаслик, «Бе» демаслик ҳақидаги қатъияти етилажак авлиёнинг Ислом динидаги асосий таянч рукн Тангрининг биру борлигини иқрор этувчи иймон-эътиқоднинг рамзий ифодасидир. Кейинчалик, Машраб улуг шоир ва авлиё бўлиб етишганида, бу иймон унинг бадиий асарларида мукаммал дунёқараш тарзида акс этади. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиёйи туркий» китобидан шундай суҳбат келади: «Сурадиларким: — Вали кимдур? Шайх Абу Ҳафз деди: — Вали ўлдурким, анга каромат мартабасини бергайлар, аммо ўзининг у бирла иши бўлмагай». Машраб каромат мартабасига муяссар бўлган валиюллоҳ адабий сиймо эди.

Машраб ёшлигидан мажнунтабиат, қаландарваш, суфисурат қиёфа касб этиб боради. Унинг ғайритабиий қилиқлари, сўзлари, юрган йўлида айтадиган байту ғазаллари ота-онаси ва халойиқни ҳайрон қолдиради. Онаси не орзу-ҳаваслар билан ўғлига янги либослар кийгизса, Машраб дуч келган ожизу бечораларга кийимларини ечиб берар ва ўзи яланғоч юрар эди. Ота-онаси изтироб билан бунинг сабабини сўраганларида, у: «Мен онадан либос билан туғилмаганман, шундай экан, яланғоч юраверaман»,— қабилида жавоб беради. Бу суфилик тариқатидаги қаландария сулукининг зоҳирий аломати эди. Ўн беш ёшга етган Бобораҳим қаерда гўристон бўлса, зиёрат қилиб, одамларнинг суякларини кўриб: «Эй одамизод, охир ўлуб бошингга тушадурган иш будур»,— дея йиғлаб юрар эди. Инсон охиратини идрок этиш, дунё молига ҳамда вафосига эътиқод қўймаслик каби бу амаллар ёш Машраб вужудидаги мавжуд авлиёлик хислатларидан далолат берарди. Ўғилларидаги бу хислатларни тушунмай, ота-она хавотир ва ташвишга тушиб, Машрабни ўша даврдаги йирик тақводор, пиру муршидлардан бири мулло Бозор охундга учраштирадилар. Машраб «хосайи Худойи таоло» бўлмиш илми ғайбдан, «зур масала» сўраб, мулло Бозор охундни ҳам лол қолдиради.

Машраб Тангри таолонинг муҳаббати йўлида ўртанган чинакам девонавор ошиқ эканлигини биринчи бўлиб мулло Бозор охунд пайқайди. Чунки Машраб юрган йўлида ошиқона байту ғазаллар айтиб муҳаббат бозорини қизидираётган қаландар бўлиб етишаётган эди. Айни пайтда, Машраб ҳам мулло Бозор охунддан катта ихлос билан таълим олади. «Қиссайи Машраб»да шундай ғазал келадики, унда устоз Ҳақ йўлида жон берган, ичлари нурга тўлган ошиқларнинг пиру муршиди сифатида васф этилади:

Маърифатни гулзори мулло
Бозор девона,
Ошиқларни сардори мулло
Бозор девона.
Йўқтур асло кинаси, баҳри
урфон сийнаси,
Нури Ҳақ ойинаси, мулло
Бозор девона...

Ўзига хос феъл-атворга эга бўлган Машраб табиатини мулло Бозор охундгина яхши тушунади ва ҳатто, дарвештабиат шоирнинг қисмат тилсими Қошғардаги Офоқ хожа қўлида ечилишини ҳам у башорат қилади: «Ҳар ким Машрабга озор берса, ман ул кишидин озор топарман. Ҳаргиз дахл қилманглар. Исойи ҳам ўз йўлига, Мусойи ҳам ўз йўлига. Аммо Машрабнинг пири рухсат қунандаси Қошғардадур. Иши анда тамом бўлур».

Бобораҳим Машраб Қошғарда истиқомат қилувчи машҳур Офоқ хожага ғойибона ихлос ва муҳаббат пайдо қилади. «Қиссайи Машраб»да Офоқ хожанинг тасаввуф тариқатидаги мавқе-мартабаси тўғрисида қуйидагича маълумот берилади: «Маънийи Офоқ улдурки, «Қутбул Олам» деган бўлур. Дунёда икки Офоқ ўтубдурлар: бирлари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, яна бирлари ҳазрати Офоқ хожамдурлар». Машраб пир ахтариб, мурид тутиниш учун Қошғарга боради. Балиқчи, Андижон, Ўш шаҳарларини манзил-баманзил кезаркан, шоҳ Машраб қаландарвор зикру самоъ қилиб, байту ғазал ўқиб, халойиқни ҳайронликда қолдириб, Қошғарга етади. Офоқ хожа остонасида хокино бўлиб, унга қўл бериб, мурид тутинади:

Қулум олинг, ё пирим, манда
тоқат қолмади,
Йўлга солинг, ё пирим, манда
ҳолат қолмади...

Кимёназар Офоқ хожа Машрабдаги илоҳий истеъдодга равнақ бағишлайди: «Шул подшоҳим Машрабни бошини тиззаларига олиб, ботиндин хабар олдилар эрса, Машрабни дилини чароғига ёғ қуюб, филитасини тайёр қилиб, равшан қилғони бир пири комил тобмай юрган экан. Ҳазратим айдиларки: «Эй суфилар, сизлар гувоҳ бўлунглар, бу девонани отини Машраб қўйдум, оллоҳу акбар»,— дедилар». Шундан эътиборан, Бобораҳим Машраб тахаллуси билан машҳур бўлди.

Офоқ хожа даргоҳида Машраб етти йил хизмат қилди. Уч йил ўтин ташиди, яна уч йил машқда сув ташиди, бир йил остонада ётди. «Бу етти йилни у атиги битта пўстин кийиб ўтказди. Ёзда чармини кийса, қишда юнгини кияр эди. Муридлик бурчи, пирнинг парвариши ва Тангри муҳаббатига муяссар бўлиш шундай риёзат чекишни тақозо этарди.

Машраб илоҳий ишқнинг шундай жавонмард ошуфтасига айланиб борардики, унинг туриш-турмуши фақат маъшуқи мутлақ — Тангри-таоло ҳажрида фиғону ноналар чекиш, унинг висоли дийдорини чексиз ўртаниш ва армон билан орзулаш, жамолини соғиниб, тинимсиз васф этиб зикру самога берилиш, риёзат чекиш, ёдини дилида такрорлаб, даргоҳига йўл излаб, мудом сафарда бўлишдан иборат эди. Валийи кароматгўй бу зот ишқнинг пурхатар довонларидан ошгач, Ҳақнинг висолига восил бўлишига ишонарди. Аммо висол чоғида Ҳақнинг дийдорига туймай қолишдан хавотирда эди. Ошиқ Машрабнинг кўнгил қуши фано мақомига талпинарди. У Мансур Ҳаллождек ишқ йўлида шаҳид бўлиш, улим воситасида фанога эришиш илинжида шундай ҳаёл сурарди: «Эй Машраб, бу даргоҳга келгонингга етти йил бўлди, пиринг бир йўл Машраб деди, яна бир йўл Машраб десалар, ишинг тамом бўлур эрди. Кел, эмди бир гуноҳ қилғил. Худойи таоло бегуноҳни сурамас экан. Шоядки, гуноҳ қилсам, гуноҳқорни сўрсалар керак. Шоядки, шул туфайлидин пирим айтсалар, элтинглар, бу Машрабни осинглар десалар, улсам армоним йўқ эрди». Дарвоқе, шундай бир гуноҳ қилиб, жазога маҳкум бўлиш Машрабнинг қисмат пешонасига азалдан битилган баҳонаю сабаб эдики, қўнглидан кечирган замониёқ юз беради: «Шоҳ Машраб йиғлаб, чарх уруб, самоъ қилиб туруб эрдиларки, подшоҳимизга оби таҳорат бергувчи бир канизаклари бор эрди. Ул канизак равақдин бошини чиқариб, нозу карашма бирла дедики: «Эй, Машраб, то етти йилдирки, сени доғи ишқинг мани сийнамга жой олибдур. Букум менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг, қиёматда мани қўлим сани этагингда бўлғай». Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир нозанин моҳтальат жилва қилиб турубдур. Ани кўруб беҳуд бўлдилар. Яна ҳушларига келиб айтдиларки: «Эй бор Худоё, мунингдек офати жон бандаларинг бор экан»,— деб яна беҳуд бўлуб йиқилдилар. Бу воқеа ҳазрати подшоҳимга аён бўлди. Қизил либос кийиб, шамшири бараҳна бирла рўбарў бўлдилар...

Эшони Офоқ хожам айдилар: «Эй суфилар, Машрабни тутунгларки, андин Мансури Ҳалложнинг бўйи келадур: Суфилар Машрабни тутиб боғладилар. Шоҳ Машраб Худойи таолога нолалар қилиб айдиларки: «Эмди то тирикман, мундоғ гуноҳ қилмагайман, бир гуноҳ қилғонимга бандангни бандалари мунча таҳқиқлаб сурасалар, тонгла қиёмат бўлғонида ўзунг қози бўлуб, шул гуноҳимни сўрогонингча ҳам дийдорингга туяғман...» Андин сўнг, шоҳ Машрабни подшоҳимни олдига олиб келдилар. Шоҳ Машраб Оллоҳи таолоға муножот қилиб айдиларки: «Илоҳо, поко парвардигоро, Аҳадо, Самадо, Маъбудо, агар сандин амр бўлмаса, бандаларингни аёғларига бир тикан ҳам кирмас, бас бу карашмалар санга маълум...»

Подшоҳим буюрдиларки, «Девонани босинглар»,— деб. Суфилар шоҳ Машрабни бостилар. Ҳазрати Офоқ хожам киссаларидан муҳрларини олиб, ўтга ташлаб, қизитиб Машрабни гарданига бостилар. Валиёллоҳ каромат билан тобтиларки, одамзоднинг шаҳватини жойи банди гардан тамуридадур. Ушал тамурни топиб муҳр бостилар».

Шундай қилиб, Машраб шаҳвоний нафс хуружи хавотиридан бутқул озод, уйланиш, фарзанд кўриш бахтидан бенасиб бўлди. Зотан, у бахтни бунда эмас, балки, Ҳақ-таоло дийдорига муяссар бўлишда кўрарди. Шунинг учун, Машраб дунё манфаатлари, орзу ҳаваслари-дан бутунлай юз ўгирганди.

Шундун сўнг Машраб риёзат, зиёрат ва сайру саёҳатда давом этиб, ғамгину паришон аҳволда Ёркентга боради, ҳазрат Али каррамуллоҳу важҳанинг авлодларидан ҳазрат имом Жаъфари Содиқ разияллоҳу анҳуни зиёрат этиш учун Хўтан вилоятида мусофир бўлади. Хўтан охундларини илми ҳол-илоҳиёт сирларини билиш илмидаги салоҳияти билан доғда қолдиради. Машраб Ийлага борганида, унинг бошидан Навоийнинг қаҳрамони Шайх Санъон саргузаштидек ишқ савдоси Ийла ҳукмдори Қунтожихоннинг қизи Офоқ билан муносабатда кечади. Машрабдаги сидқу сафо тарсозодаларни мафтун этади, унга ихлос ва муҳаббат самараси ўлароқ Қунтожи, унинг хотини, қизи Офоқ Ислом динига иймон келтириб, мусулмончиликни қабул қиладилар. Қунтожи шоҳ Машраббга қизи ҳамда шаҳрни назру ниёз этади.

Машраб Ёркентга, Офоқ хожа хизматига қайтади. Машрабнинг риёзату зиёратлари, савоб ишлари қабул бўлиб, Офоқ хожанинг ҳурматини қозонади. «Эй Машраб, Рустамона иш қилдинг, жон чекмагунча жонана қайдадур. Эй Машраб, гуноҳингни кечтим»,— дейди пири комил. Машраб тариқат пирининг афвигагина эмас, илтифотига ҳам мушарраф бўлади: «Эй Машраб сани ичинг торлик қилди, маънини ошкора қилдинг, оғзингни оч», — деб Машрабни оғзига тупурдилар. Машраб они ютуб, кўзларини очиб «Ло тақрабус-салота ва антум сукаро» деб қарасалар, замину осмон жумбушга кириб, ҳамма зикру самога машғулдурлар. Ҳазрати подшоҳим айдилар: «ҳар киши Машрабга қўшулди, Худоға қариб бўлди». Машрабни худога яқин валиюллоҳ зот сифатида таниш, унга ихлос ва муҳаббат боғлаш халқда ана шундай ривоятлар асосида шаклланган.

Офоқ хожа Машрабнинг Мансури Ҳаллож мақомига етганини башорат қилади. «Қиссайи Машраб»да ривоят қилинишича, Машраб Офоқ хожа топшириғи билан бораётиб, Хизр алайҳиссаломга йўлиқади. Хожайи Хизр дуойи хайр қилиб, маърифат ва тариқатдан бир неча нукта баён этади. Пир ва пайғамбар дуосини олган Машраб Хожа Нуриддинга хуруж қилаётган шайтон билан курашади, уни мағлуб этиб, зафар қозонади. Хожа иймонини саломат сақлаб қолади.

Пири кароматгўй Офоқ хожа Машраб Маҳмуд Қатағон қўлида ҳалок бўлишини ҳам башорат қилади: «Ҳазрати подшоҳим марҳамат қилиб айдилар: «Эй Машраб, анонгни зиёрат қилгил, санинг кушанданг Балх шаҳрида, подшоҳи Маҳмуддур». Ривоят қилинишича, ўн саккиз йиллик айрилиқдан кейин, Машраб Андижонга қайтиб, онаси ва синглиси билан дийдор кўришади. Онаси билан видолашади. Машраб онасининг қабрида қирқ кун қуръон тиловат қилиб, сунг бир кеча тушида аён буладики, Бухорода Қўқалдош мадрасасида Мавлавийи Шариф етти туман кишига дарс бараётганмишлар. Пири бузруквор Мавлавийи Шарифни зиёрат қилиш иштиёқи Машрабни ўртаб, у Бухоро сафарига отланади, Сафар мобайнида у Хўжандга бориб Оқбўтабий билан учрашади, Тошкент ва Туркистонга саёҳат қилади. Яна Туркистондан Тошкентга, Тошкентдан Хўжандга келиб, Оқбўтабий билан учрашади.

Машраб қаерга бормасин, муридлари билан бирга халқнинг қўршовида бўлиб, ажойиб кароматлар кўрсатади. Кароматлардан энг ажойиби шуки, Машраб Ҳаж орзусини қилиб, Маккага бормай қайтганларида эргашиб борган муридлари: «Бизлар Қошғардин эргашиб келиб, Маккани тавоф қилолмай қайтармизму? Бизларни маҳрум ёндурдингиз»,— дея афсус-надомат чекадилар. Шунда Машраб каромат кўрсатади: «Шоҳ Машраб айдилар: «Эй боликларим, икки қўлумни орасиға боқинглар!» Боликлар боқсалар, Макка икки қўлларини аросида жилва бериб турибдур. Шоҳ Машраб боликлари билан Маккайи муаззама ва Каъбайи шарифни зиёрат қилиб, Ҳиндистон тарафга равона бўладилар».

Ҳиндистонга бориб, Машраб Хотам подшоҳи соҳибқироннинг ҳузурида уч йил хизмат қилади, Абулғозихон билан мулоқотларда бўлади. Бухорога бориб, Нақшбанд остонасини зиёрат қилади. Қўқалдош мадрасисида Машраб Мавлавийи Шарифдан «Мушкоти шариф» таҳсилини олади. Абдуллахон ҳузурида бўлиб, уни ҳам аъёнлари билан бирга кароматларига лол қолдиради.

Айниқса, Машрабнинг машҳур мутасаввуф Суфи Оллоёр билан мулоқоти ва кўрсатган кароматлари диққатга сазовордир. Мулоқотда бу икки забардаст суфининг ўзига хос йўли, дунёқарашларидаги тафовут кароматлар баҳсида яққол очилган: «Алқисса, шоҳ Машраб Қабодиёнга келдилар. Эшони Суфи Оллоёр ҳам шунда эрдилар. Суфи Оллоёрга хабар еттики, шоҳ Машраб келдилар деб. Суфи Оллоёр хушнуд бўлуб, олдиларига пешвоз чиқтилар. Икковлари бир-бирларига мулоқи бўлдилар. Шоҳ Машраб Суфи Оллоёрнинг қўлларини тутуб, айдилар: «Эй, Оллоёр, Ҳузурий деган бузург дўзахга хушомад қилибдурлар. Сиз Пули Сиротга хушомад қилибдурсиз? Келинг, ман сизни ўтказиб қўяй». Суфи Оллоёр айдилар: «Эй Машраб, путингизни аросиға қаранг». Шоҳ Машраб қарасалар, етти дўзах оғзини очиб турибдур. Шоҳ Машраб дўзахларни кўриб айдиларки: «Эй, суфим, бу дўзахларни кўриб, мунча қўрқарсиз? Узини топқондин сўнг, ани қўлидин нима келадур? Ҳимматни баланд тутўнг».

Маълумки, бир даврда яшаган Суфи Оллоёр ва Бобораҳим Машраб тасаввуф тариқатига мустаҳкам эътиқод боғлаган суфийи соф сиймолар эдилар. Уларнинг дунёқарашлари ўзаро кескин зиддиятдан холи, аммо ҳақиқатни таҳқиқ этиш, дунёни англаш, Ҳаққа интилишдаги йўллари ўзгача. Суфи Оллоёрнинг Оллоҳ, унинг дўзахи ва жаннатига ҳам эътиқоди кучли. У бу дунёда гуноҳга ботган бандалар мақаррар равишда дўзахда ёнадилар ва Оллоҳнинг раҳматидан бенасиб қоладилар деб қарайди. Машрабга эса бундай дунёқараш тордек туюлади. У ҳаётга нисбатан ҳимматни баланд тутиш тарафдори. Унинг муддаоси Ҳақнинг ўзига эришиш. Ўзини топган бандага жаннат ҳам, дўзах ҳам ҳечдир. Ҳақнинг раҳматига Машрабнинг умиди ва ишончи шу қадар комилки, унингча, «даргоҳи Ҳақ чун роҳи навмиди эмас», «Етти» дўзах марди Ҳақни олдида гулзордир».

Авлиёлар баҳси давомида дунёқарашлар моҳияти янада кенгроқ очилади: «Алқисса, шоҳ Машраб айдиларки: «Эй суфим, икки қўлимни аросига қаранг». Филҳол, Суфи Оллоёр шоҳ Машрабни икки қўлларини аросига қарасалар фаришталарни кўрдиларки, баъзилари қиёмда ва баъзилари рукъуда ва баъзилари сужудда ва баъзи қуъудда ва баъзилари муножотда дуо қилиб турубдурлар. Ҳар қайсилари бир муродда турубдурлар. Шоҳ Машраб айдилар: «Кўрдунгизми бу фаришталарни? Кечаву кундуз буларга емаку ичмак ва ухламак йўқтур. Ҳамиша тоат ва ибодат қиладурлар. Аларнинг тилаклари шулдурки, илоҳо Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларини етти жаннатга дохил қилғайсан. Шундай фаришталар сизнинг учун тоат ва ибодат қилсалар, беш кунлик умрингизга ҳимматингизни баланд тутунг». Бундай мубоҳаса Машрабнинг ўзига хос, мустақил маслак соҳиби эканлигини яна бир бора тасдиқлайди.

Қазо ҳукмига мувофиқ, Машраб ўз ажалини излаб Балх шаҳрига боради ва Маҳмуд Қатағон саройида хийла кароматлар кўрсатади. Машраб, ўзига аён бўлганидек, қушандаси Маҳмуд Қатағон эканлигини унга такрор-батакрор очиқ-ойдин айтади ҳам: «Эй Маҳмудхон, ғалат айтурсан, мани сарнавиштимда ажалим санинг қўлингда битилган. Мани шаҳид қилурсан. Манинг васиятим санга шулки, мани жасадимни бир баландроқ ерга чиқориб қўйғил, токи ҳарким кўрса, йироқдан дуойи хайр қилиб ўтғай». Маҳмуд Қатағон ғарчи шоҳ Машрабнинг бирор тола сочини ҳам қилишни хоҳламаса ҳам, жаҳл устида уни 1711 йили Балх шаҳрида дорга остириб юборади. Машраб башоратига кўра, Маҳмудхоннинг ўзи ҳам уч кундан кейин ҳалокатли ўлим топади. Машрабнинг қабри Ишконмиш деган ердадир.

Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти, авлиёлик хислатлари, саргузаштлари ҳақидаги ҳодисалар ҳақиқатга қанчалик яқинлиги номаълум. Ҳарқалай, улар Машраб адабий меросидаги бадиий мазмунга мувофиқдир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази миллий ва умуминсоний қадриятлар бўлимининг мудири

Меҳрибонлик уйларида

САМИМИЯТ

Меҳрибонлик уйи — яхшилик паноҳи. Миннат ва таъмадан холи ҳаловат яшайди бу ерда. Аллақандай сокинлик ҳукмронлигини сиз тезгина илғаб оласиз. Баланд-баланд манзарали дарахтлар соясидаги уйин майдончалари ҳам, хиёбонлар ҳам, кафтдеккина сув ҳавзасида жилваланаётган тўлқинлар ҳам осуда. Болаларнинг қий-чуви қулоқларингизни қоматга келтирса-да ранжимайсиз. Улар ториларига сиғмасдан югуришади, ҳуҳ-хандон бир-бирларини қувлашади. Ахир, болаликнинг руҳияти ширин, таъсирчан, уммон каби тошқин ва шошқиндир. Бироқ улар сиз билан юзма-юз бўлганда, нигоҳларида сирли бир дунё намоён бўлади.

Жовдираган кўзлар қаршисида андак ноқулай бўла бошлайсиз. Уларнинг ҳар нарсага қизиқувчан нигоҳлари сизни таъқиб этаверади. Суҳбатлашгингиз, нималарнидир сўраб, уларнинг қалбларига кириб боргингиз келади.

Бсихтиер «Угай она» фильми хаёлингизда жонланади. Онасиз қолган қизча ўзини боқиб-парваришлаётган аёл қанчалик жонини жабборга бермасин, уни «ойи» деб атолмайди. Жажжигина қизалоқ сумкасида марҳума онасининг суратини кўз қорачиғидек сақлар, тез-тез қараб қўйиб, дили таскин топгандек бўларди. Угай онанинг бутун меҳрибонликларига қизчадан қўрслик, ўжарлик, пинҳона эзилиш жавоб бўлиб қайтади. Она бу манзарани кўриб қисилади, кўз ёшлари шашқатор оқади. Аёл ўзини бу қизча «она» деб аташини, унинг суянчиғига айланишни шунчалар орзиқиб истайдики, бунинг учун бутун иродасини, қобилиятини ишга солиб, кеча-кундуз имкон излайди. Ва охири... у бунга эришади. Қизчанинг миттигина юраги онадаги фидойиликни, бағрикенгликни тан олади, «ойи» деб ўзини унинг бағрига отади...

Тошкент шаҳридаги 24-меҳрибонлик уйида бўлганингизда, бу ерда ишлаётган тарбиячи ва мураббийларни «Угай она» фильмидаги қаҳрамоннинг жонфидолигидан намуна олганмикан, деб ўйлаб қоласиз. Улар етим ёки қаровчисиз қолган болаларга ўз оналаридай бўлгилари келади. Мундоқ олганда, бу ўта қийин, лекин аёл табиатан мулойим, ширинсухан бўлса, етим-есирларнинг бағрини силаш, забун дилларига руҳий мадад, маҳзун чеҳраларига табассум улашиш қийин кечмайди. Бу фақат инсоний меҳр билан боғлиқ.

Меҳрибонлик уйида тарбиявий жараённи оила муҳитига яқинлаштиришга ҳаракат бор. Шунинг учун бўлса керак, меҳрибонлик уйига болалар жуда осон ва тез қуникадилар. Болаларни жеркиш, уриш, қарғаш тарбиячиларга ёт ҳолат. Ўртадаги муносабат оддий, серфарзанд оиладаги она ва болаларникига ўхшайди. Саранжом-саришта хоналарда болалар овунадиган нарсалар кўп. Уйинчоқлар, гуллар, китоблар, шахмат-шашка, аквариум балиқлари... Сарғ, сут, тухум, палов, лағмон, манти каби миллий хушхўр таомлар болаларнинг жони-дили.

Меҳрибонлик уйининг директори — талабчан, ширинсухан ва позиктаъб аёл Холида Каримованинг таъкидлашича, агар тарбиячиларда чинакам оналик меҳри жўш урса, боланинг инжиқлиги-ю қайсарлигига, шухликлари-ю бесбошликларига шу хислатини қалқон қила олса, оила муҳитига мумкин қадар яқинлашиш осон кечади.

Директор билан суҳбатимиз боланинг нозик қалби, унинг бир муҳитдан иккинчи муҳитга келиши, тарбиячиларнинг улар билан муносабатлари хусусида бўлди.

— Етимликни бахтсизлик дейишади. Аслида ҳам шундайми? Носоғлом, нотинч оила муҳитидаги боланинг бизга келишини мен бахтиёрлик деб атаган бўлардим, — дейди Х. Каримова.— Бу ерда у ўзига нисбатан мурувватпешаликни, эътиборни кўради. Агар у гиёҳванд ёки муттасил ичувчи ота-онасидан фақат таъна-дашном, сўкиш эшитган бўлса, бу ерда илиқ, дўстона, самимий муносабатга дуч келади.

Меҳрибонлик уйимизда 7 ёшгача бўлган 150 нафар турли миллатга мансуб ўғил-қизлар тарбияланишяпти. Улкан бир оила. Бошқариш осон дейсизми? Минг хил ташвиши бор. Болаларни бир оила фарзандларидек аҳил, оқил, мўмин-қобил қилиб тарбиялашга интиламиз. Улар ёшига қараб гуруҳларга ажратилган. Бир хонада етиб-турадиганларнинг энг тўнғичини ака ёки опа, энг кичиклари ука ёки сингил деб ўқтирилади. Педагогикада еппасига тарбия беришнинг самараси камроқ. Шу жиҳатдан олганда, қайсар, манман ёки одамови, туполончи болалар билан яккама-якка иш олиб борилади. Тарбиявий характердаги мақоллар, ибратли ривоятлар, кинофильмлар боланинг мушоҳадасини бойитади, тўғри йўлга солишга ёрдам беради. Юрак тафтимизни, ширин каломимизни, самимиятимизни ўксик, мажруҳ дилга берсак, деймиз. Бу ўринда ходимларимиз Мавлуда Афзалова, Манзура Яминова, Алфия Собиржонова, ҳамшира Дилбар Ҳамроеваларнинг ўнлаб, юзлаб фарзандлари бор, дегим келади. Айрим тарбияланувчилар уларни «она, «ойи» деб аташади. Ахир, бу чинакам маънодаги инсонийликка, самимиятга миннатдорона жавоб эмасми?

Холида Каримова билан суҳбатимиз очиқча, дилдан ва бироз ҳасратли тарзда давом этди. Шунда мен гапни «Меҳрибонлик уйи тўғрисида» қабул қилинган Низомга бурдим.

— Низомда кўрсатиладики, ҳар бир Меҳрибонлик уйида Ҳомийлик Кенгаши тузилиши керак, — деди директор. — Бизда ҳам шундай кенгаш тузилди. Унинг таркиби 9 кишидан иборат. Барча масалалар ана шу кенгаш йиғилишларида муҳокама қилинади, ечими топилади. Ташкилий, тарбиявий, соғломлаштириш, ақлий, нафосат ва жисмоний тарбия, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик каби масалаларни муҳокама қилиб, ўрганиб борамиз. Ҳомий ташкилотларнинг саховатидан мамнунмиз. Болаларнинг етиб-туришига ишлатиладиган чойшабдан тортиб, оёқ кийими, ўқув қуролларигача — ҳамма- ҳаммасини ҳалқ қилишади. Яқинда «Отчопар» бозорига йўлим тушувди. Каламушнинг қопқонини кўриб қолдим. Сичқонлар оралаб қолганди. 15 сўмдан экан. «Арзонроқ қилинг, болалар ўйига эди» десам, ҳалиги йигит текин тутқазиб юборди. Демоқчиманки, халқимиз болажон, мард, яхши ниятда хайру-эҳсонни ҳар нарсадан устун қўяди.

Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари Собир Раҳимов туманига қарашли 191 ва 196-мактабларда таълим олишади. Ҳозир каникул, болаларни тоблантириш, чиниқтириш мавсуми. Ҳадемай, болажонлар ясанишиб, янги ўқув қуроллари билан мактабларга йўл олишади.

Дарвоқе, «Соғлом авлод учун» умумдавлат дастурининг амалга оширилиши нуқтаи назаридан қаралса, мазкур Меҳрибонлик уйида кейинги икки йил мобайнида юқумли касалликлар умуман учрамаганлигини қувониб таъкидлаш керак. 7-болалар поликлиникаси томонидан ҳар йили баҳорда ва кўзда тарбияланувчилар оммавий тарзда тиббий кўрикдан ўтказилади. Стоматология, даволаш хоналари мавжуд. Спорт залида қувноқ мусобақалар ўтказилади.

— Фақат ҳовузчамиз кичкина,— дейди қуйиниб тарбиявий ишлар ташкилотчиси Мавлуда Афзалова. — Агар астойдил елиб-югурсак, уни ҳам кенгайтиришимиз мумкин. Соғлом авлод деганда, фақат жисмоний бақувватлик назарда тутилмайди. Боланинг ақлий камолоти ҳам соғломликнинг муҳим шарти. Улар бўш вақтларида кутубхонада турли-туман бадиий китобларни мутолаа қилишади. Пианино чалиш, аккардеоннинг шўх садосию чилдирманинг даранг-дурунгидан қайси бола завқланмайди дейсиз! Йил бошидан бери 10 дан зиёд турли тадбирлар ўтказдик. Қизил Ярим Ой жамияти томонидан совға қилинган бешта велосипедни болажонларимиз галма-галдан минадилар. Буларнинг ҳаммаси бола соғлом, тетик ривожланишига озми-кўпми ёрдам беради-да.

Бир нарсани таъкидлаб ўтишни унутаёзибмиз. Бу Меҳрибонлик уйига ҳомийлик қилаётган шаҳар ҳокимияти, Узбекистон акционерлик савдо уюшмаси, шаҳар ўт ўчириш бошқармаси мудом ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Агар шаҳар ҳокими Навруз байрамида бу ерга 2 та музлатгич ҳадя қилган бўлса, «Узбексавдо» акционерлик уюшмаси янги ўқув йилига 150 жуфт оёқ кийими, мактаб формаси совға қилмоқчи. Шаҳар ўт ўчириш бошқармаси ёзги айвонларни созлаб, таъмирлаб берди.

Меҳрибонлик уйи ходимлари ҳотамтойлик ва саховат намунасини кўрсатганларнинг узундан узоқ рўйхатини келтирарканлар, халқимизнинг, давлатимизнинг етим-есирларга саховати қанчалик чексиз эканлигини дилдан туйгандек бўлдим. Модомики, хайру эҳсон ўлмас ва боқий анъана экан, унинг замирида таъмадан йироқ бағрикенглик, инсонпарварлик етади. Буларнинг бари самимиятдан келиб чиқади. Зеро, Меҳрибонлик уйида ишлаётганларнинг дарёдек жўшқин меҳри, беғубор самимияти бор бўлсин!

Ҳ. ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Узбекистон бадиий тарбия муаллимлари уюшмаси болалар боғчалари тарбиячилари учун 10 номда методик тавсиялар, бошланғич синф ўқитувчилари учун 8 номда режалаштириш, машғулот ишланмалари, альбомлар нашр этди. Уларни нақд пулга ёки пул ўтказиш орқали сотиб олиш мумкин. Манзилимиз: Тошкент ш. Бешёғоч, Олмазор кўчаси — 174, тел. 45-68-49, 24-71-28.

«

КАТТА ТАНАФФУС

Ҳамкасблар ижодидан

КУРТАКЛАРДА ЖАРАНГЛАДИ ТОНГ

* * *

Дарахтларнинг яшил куйлари —
Куртакларда жаранглади тонг.
Дарахтларим — баланд ўйларим,
Шовуллайди дилда беором.

Ёруғ кўчам, қадрдон кўчам,
Болаликнинг рангин тушлари,
Юлдузларга сочилган кечам,
Хотирланар улғайган сарим...

Анҳор! Анҳор! Мени кут, анҳор!
Қуёш билан, ялпизлар билан.
Болаликнинг шўхлигига ёр
Дунёдаги пок ҳислар билан...

Мен қайтаман, — дедим, — қайтмадим,
Уйқулари ўчди кечанинг.
Мен айтаман, — дедим, — айтмадим,
Шамоллари кўчди кўчанинг...

Ойгул СУЮНДИКОВА.

МАНЗУРАГА

Сенинг кўзинг қорамиди — сочингнинг ранги?
Менинг бағрим ярамиди, бўлдими янги?
Деразангда бир дона гул, жоним, қачонги?
Сенга атаб гул келтирдим бу севги тонги.
Бир марта ҳидлаб кўр...

Уйинг олисми ё кўнглинг кўчаси?
Менга очилмади бирор дарчаси.
Шунчалар қийинми қалбга ўт ёқиш!
Сенга олиб келдим қалбим парчасин.
Эшигингни очда, бир қара!..

Гўзалсан ва яна ҳиссиз қўғирчоқ,
На юрак бор сенда, на-да бир титроқ.
Юрагинг севгидан нақадар йироқ.
Иситмоқчи эдим уни севгим тафтида,
Ёнолмайин ўчди мисли шамчироқ.
Кел энди, ўзинг ёқ...

Орзимурод ҒАЙБУЛЛАЕВ,
ТошДУ аспиранти.

* * *

Юзингда ясама, сохта табассум —
Бахтсизлик устига ёпилган чиммат.
Бу чиммат ортида маъюс ва маъсум,
Бир қалб бор, мен учун жуда ҳам қиммат.

Сен мендан яширмоқ бўлиб уринма,
Бахтсизлигинг аён кулгинг қаъридан.
Мен шайдо эмасман табассумларга,
Тузоқдаги шу қалб азиз баридан.

Ҳаётда шунақа жамики чиммат,
Ненидир яширар ўзидан қиммат.

Фозилбек МАМАДАЛИЕВ.

БИР ДЎСТИМГА

Дунёга бунчалар ноумид боқма,
Бу синган чўпларнинг бари ўтинмас.
Қип-қизил чўлда ҳам ўсади гиёҳ,
Кўзи ёш гўдакнинг бари етиммас!

Дунёга бу қадар лоқайд қарама,
Яшащдан тўйганмас инсоннинг бари,
Сочингни бармоғинг билан тарама,
Ҳадикдан юз ўгир, боққил илгари.

Эсинг йиғ! Бўлмағур миш-мишларни қўй,
Келажакка ишон, келажак ёркин!
Бахтиёр дамларда яшаймиз бешак,
У кунлар узоқмас, жуда ҳам яқин.

Менглибой МУРОДОВ.

***

Дарднок таралади танбурдан оҳанг,
Сенинг овозингга ўхшайди, алпим.
Асир бўладию бутун вужудим,
Куйдай қалқий бошлайди қалбим.
Шунчалар ҳам бўларми нозик,
Дилни бошлар ларзалар сори.
Сирларимни сочганча ногоҳ
Қалбимнинг ҳам чертилар тори.
Хаёллларим сен томон учар,
Сен томонга учаман мен ҳам...
Сен ҳам тинглаб танбур ноласин,
Овозимга ўхшатгин сен ҳам.

***

Боғларингда хониш айлаган
Булбул менман, сен шуни билгил.
Сойларингга кўнгил боғлаган
Тўлқин менман, сен шуни билгил
Қулоғингга шивирлаб афсун
Эсиб ўтган шаббода менман.
Қўшиқ этса қалбингни мафтун,
Куйлаб кетган қўшиқчи менман.
Дилбар дилдан қўшиқ айтганда
Билгил дея севги дардини,
Юрагингдан таралса бир куй
Чертган менман, сен шуни билгил.

Дилбар АБРОРОВА.

Сен рақсга тушдинг. Гўё тонг саҳар
Силкина бошлади инжабел ўтлар.
Гўёки лопиллаб фалакка чиқар
Кўлга сув ичгани тушган булутлар...

КУЛҒАННИНГ КЎНҒЛИ КЕНҒ

Химия ўқитувчиси:
— Шу тангани кислотага ташласам, эрийдими, йўқми?
Ўқувчи жавоб беради:
— Йўқ.
— Тўғри! Эримаслигини қаёқдан билдинг?
—Эриса, ташламас эдингиз-да...

***

Ўқитувчи: Нега қаламсиз келдинг?
Ўқувчи: Қалам бўлиши шартми?

Ўқитувчи: Нега шарт эмас! Солдат жанга милтиқсиз кирса, уни ким дер эдинг?
Ўқувчи: Уни офицер дер эдим.

***

Харидор: Мен биронта китоб харид қилай девдим.
Сотувчи: Енгилроқ бўлсинми?
Харидор: Бунинг аҳамияти йўқ. Мен машинадаман...

Тўпловчи О. ШАРОФУДДИНОВ.

Ҳайратга тўла дунё

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ

Энг қимматбаҳо санъат асари сифатида Леонардо да Винчи (1452—1519) нинг «Мона Лиза» (Жоконда)си тан олинган. 1962 йилда мазкур асар Париждаги суғурта ширкатларидан бири томонидан 100 миллён долларга баҳоланган. Асар тахминан 1503—1507 йилларда яратилган. Улчами — 77х53 сантиметр. Франсиз қироли Франсиск I мазкур асарни 1517 йилда ўз ваннахонасига осиш учун 4 минг тилла флоринга (бу 15,3 кило олтин демак) сотиб олган.

*

Энг тиришқоқ мусаввир, шубҳасиз АҚШнинг Индиана штатидаги Андерсон шаҳрилик Вилям Аллен Бикслер (1876—1961)дир. «Эски ҳовуз» дея номланмиш асарини у 1912—1918 йиллар давомида 5000 мартадан ортиқ қайта ишлади. Асарини чизишга туртки бўлиб Виткомб Рилейнинг шўномли достони хизмат қилди.

*

Энг улкан плакатга Жапаниянинг Ойодо дарёси қирғоғида дуч келиш мумкин. У 1990 йил 17 март куни Мияздаки шаҳрининг 30 минг нафар аҳолиси томонидан Химук байрами шарафига ўрнатилган бўлиб, ҳажми 12500 квадрат метрга тенг.

*

Энг кўп тил билувчи нодир қобилиятли шахслар сифатида инсоният тарихида италиялик кардинал Меззофанти (1774—1849, 26 ёки 27 тилни билган), даниялик профессор Раск (1787—1832, 28 тил) ҳамда янги зеландиялик доктор Харолд Уилямс (1876—1928, 28 тил) тан олинган. Бугунги кундаги энг кўп тил билувчи шахс эса Жорж Генри Шмидт (1914 йилда Фарангистонда туғилган) ҳисобланади. 1975 йили чоп қилинган БМТ маълумотномасида қайд этилишича, Шмидт «атиги» 19 тилни билади ва фақат вақт танқислиги туфайлигина яна 12 тилни тўла ўзлаштира олмаётир.

*

Энг улкан китоб 1976 йилда АҚШнинг Колорадо штатидаги Денвер шаҳрида чоп этилган. «Суперкитоб» дея номланувчи мазкур матбаачилик муъжизасининг улчами 2,74х3,07 метр, вазни эса 252,6 килодир.

*

Энг жажжи китоб (1х1 миллиметр) 22 ғ/м зичликдаги қоғозга 1985 йилнинг март ойида Пейсли шаҳри (Шотландия)даги «Гленнифер пресс» нашриёти томонидан босилган. «Кекса қирол Коул» номли болалар эртагини ўзида жамлаган мазкур китоб 85 нусхада чоп этилган. Китобни махсус игна ёрдамида, шунда ҳам фақат ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик билан варақлаш мумкин.

Наср чечаклари

ҚОЧОҚ

Ҳикоя

Вой, Нўъмони тушмагурсей, ҳаммамизни сарсон қилиб қўйди-ку, бу! Буткул изсиз йўқолди-я?! Мана, болалар билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб нақ икки соатдан бери қидира-қидира силламиз қуриди. Ҳатто, тўдабоши Улашнинг ҳам нописанд турқида чинакам саросима сезилиб қолди. Қайга бекинди бу, «астроном»! Ҳа, Нўъмонимизнинг лақаби «астроном». Нуқул осмонга анграйиб, хаёлчан юриши туфайли худди шундай сийловга мушарраф бўлганлар. Нўъмон асли ғалати бола. Кўп китоб ўқийди-ю, бироқ дарслардан нуқул паст баҳо олади, муаллимлардан керагидан ортиқ дакки эшитади. Афтидан, у ўқитувчи доскага чақирганда довдираб қолса керак, дарров овози пастлаб, пешонасига маржон-маржон тер сизиб чиқади. Унинг аҳволини кўрган муаллимларнинг ҳам ғаши қўзғаб, дарров дафтарига «уч»ни илаштирадию қутулади-қўяди. Бироқ, Нўъмон биздан қутулиб бўпти. Болаларнинг эрмаги у. Бирортамизнинг асабимиз бузулгудек бўлса, бор аламимизни Нўъмондан оламиз.

Пода боқиб юрган чоғларимиз, футбол ўйини қизиб кетса, яна Нўъмон жонимизга оро киради. Ҳайиқиб пахта пайкалига томон жўнаб қоладиган «ўғри» молларни эринмай, сўкинмай қайтариб келишга, хушёр қўриқчилик қилишга ундан қулайроқ ва ишончлироқ азамат йўқ. Нўъмон асли табиатан камсуқум. Бирор ўйинга қўшсак—ўйнайди,хоҳламасак — бир чеккада жовдираб томоша қилиб тураверади. Овозини баландлатиб бирон-бир таклиф билан чиққанини, тўдага ақл ўргатганини ҳеч ким кўрмаган. Бироқ бундан икки соатча бурун кесакдан олов чиқди.

Ёзнинг ойдин туни. Яна Орифқул бованинг уйи биқинидаги майдончада бекинмачоқ ўйини учун қий-чув билан тўпландик. Ўйин тартиби оддий — бир киши ёки бир гуруҳ яширинади, қолғанлар излайди.

— Бугун «астроном»ни излаймиз!

Тўдабоши Улашнинг бу амру фармонини кўплар ҳайрон кутиб олган бўлса, баъзилар одатдаги масхарабозликдек қаҳ-қаҳ кулгулару ҳуштакбозлик билан қаршилардилар. Биламан, ҳамма бир чеккада турган Нўъмоннинг ялинишини, «Қоронгуликда кўрқаман» дея қаршилик кўрсатишини кутганди. Аслида, Улаш ҳам Нўъмонни бир каловлантириб яйрамоқчи эди. Бироқ барча фоллар тесда ҳам. Ҳатто, аллаким Улашнинг амрига биноан Нўъмоннинг уйини ҳам «разведка» қилиб келди. Ҳеч бир улгу йўқ.

Бир пайт қишлоқ чеккаларини текширувдан ўтказишга кетган икки оғайнимиз ҳаллослаб етиб келишди.

— Улаш, Ажина тепа томонда биров бор, — дейишди улар бараварига.

Ҳамманинг юраги шувуллаб кетди. Ажина тепа! Кечаси тўгул кундузи ҳам одамлар узоқдан айланиб ўтадиган, ваҳимали харобазор! Наҳотки...

Ҳамма дами ичига тушган қуйи, тўдабошининг имоси билан ўша томон отланаркан, бекари чиқди. Бир маҳал «астроном»имиз кўпдан излаб юрган юлдузини кашф этгандай, тўлқинланиб даврага яқин келди.

— Бўпти, мен яширинаман! — деди у одатдан ташқари ўктам товушда.

Унинг розилигини ҳамма илмоқли гап-сўзлар, қийқириқлар билан қарши олди. Лекин Нўъмон ҳеч кимга эътибор бермади. Улашнинг бир қанча кўрсатмаларидан сўнг, Орифқул бованинг ғўзапоя ғарами ортига ўтиб кўздан йўқоларкан, биз тараф ўткир бир қараш қилиб олди. Афтидан, у шунчаки ўйин учун эмас, балки, чинакамига, бизнинг тўдамизни буткул тарк этишга қатъий чоғланганди!

Мана, ўйлаганимдек бўлиб чиқди. Аввалига, ҳамманинг ҳазил-ҳузулларию, ҳуштакбозликлари остида бошланган қидирув жиддий мағлубиятга учради. Нўъмон ерда ҳам йўқ, кўкмаъни ҳазил-ҳузуллар ўз-ўзидан тинди. «Бўлиши мумкин эмас. Ишонмайман...». дея йўл-йўлакай ғудраниб қўярди Улаш. Ана, узоқдан Ажинатепа, ой ёруғида баттар ваҳимали бўзрайиб кўринди. У ерда тўртбеш йил илгари чўл тарафга кўчиб кетган Ҳайдар муаллимнинг уйидан қолган хароба деворлар хунук кўзга ташланиб туради.

Чин гап, кўп ҳамқишлоқларимиз у ерда чинакам ажина кўришган. Ҳатто, қулоғимга чалинган бир ваҳимали ҳангома ҳамон тунлари мени таъқиб қилиб юради.

Бир куни Турди сувчи ярим тунда даладан қайтаётса олдидан бир оппоқ эчки чиқиб қолибди. Ой балқиб турган тун. Атроф кимсасиз, жим-жит. Турди сувчи аввалига ҳайрон қолибди, сунгра, миясига урилган ажойиб фикрдан қувониб кетибди. Ахир, ярим тунда ўз оёғи билан олдидан чиқиб қолган жонивор уники бўлмай, кимники, ахир, «югурганники эмас, буюрганники» дея бежиз айтишмаган.

Турди сувчи эшагидан сакраб тушиб, шундоқ ёнгинасида маъраб турган жониворни тутиш учун қўл чўзибди. Жонивор юз қадамча наридаги ўша Ажинатепа томон йўғалаб қочибди. Турди сувчи ҳам қизиқ устида уни қувган. Интилганга толе ёр-да. Ниҳоят, жонивор тутқич берибди. Қувончдан юраги ҳаприқиб турган Турди сувчи биратўла худо берган бу жониворнинг жинсини аниқлаш истагида, керакли жойини пайпаслаб кўришга интилибди. Шу пайт, ҳалиги эчки дўриллаган одам овозида: «Ўзингники жойидами, ишқилиб» депти-ю кўздан ғойиб бўлибди. Эртаси куни ўша Ажинатепа биқинидан Турди сувчини одамлар чала ўлик ҳолда топиб олишган...

Ўша воқеани эсларканман, менинг ҳам оёқ-қўлим ўз-ўзидан қалтирарди. Шерикларимнинг-ку, тоза саси учган.

— Келинглар, — деб гап бошлади Улаш, ниҳоят, Ажинатепага чўчиқираб қараб тураркан, — бараварига «Астрано-ом» деб қичқирамиз.

«Астроно-о-ом!» — бизнинг ҳайқириғимиз узоқ-узоқларга таралди. Ажинатепа эса сукутда. Яна қичқирдик: «Нўъмо-он!» Бу гал ҳам овозимизнинг бўғилгани қолди.

— Йўқ, у ёқда йўқ, — деб бош чайқади Улаш аллақандай ғенгил тортиб.

— Яна бир овоз берайлик, — дедим мен.

Тағин, чорладик: «Нўъмон-жо-о-н!» Бу марта ҳам умид узиб тургандик, бир маҳал, худди ўша Ажинатепадаги хароба ичидан «Шу ердаман!» деган узуқ-юлуқ сас келди.

Ҳамма баббаравар бир-бирига «ялт» қараб олишди. Бироқ ҳеч ким бирор овоз чиқаришга ботинолмади.

— У ёққа ўз оёғи билан бормаган, — деди Улаш алланечук овози титраб, — Ажиналар опқочиб кетган.

Шу гапдан сўнг паст, қалтироқ товушда вазият муҳокамаси бошланди.

— Нима қилдик?

— Уйига хабар берсакми?

— Юринглар яқинроқ борамиз...

— Жонингдан тўйган бўлсанг, марҳамат.

— Ўша ёққа тош отсакмикан-а?..

Бир пайт ўша хароба ичидан яна сас келди. «Нега тўхтаб қолдиларинг? Енгилдиларингми?». Бу ҳақиқатан ҳам Нўъмоннинг овози эди.

— Йўқ, ажиналар «астроном»га ўхшаб овоз чиқараяпти, — деди Улаш тан олгиси келмай.

Мен ботинмайгина фикр билдирдим:

— «Енгилдик. Чиқиб кел» деб чақирайлик-чи?...

Улаш алланечук ўша қалтироқ овозда таслим қарорини эълон қилди. Йўқ, орадан кўп ўтмай, хароба ичидан кимнингдир аввал бош ва елкалари, сўнгра бутун гавдаси кўринди. Бу — ҳақиқатан ҳам ўзимизнинг Нўъмон эди.

Биз ҳаммамиз бир-биримизга маъноли тикилдик...

Луқмон БЎРИХОН.

Синфдан ташқари ўқиш

ЎЙЛАМАЙ, ИЗЛАМАЙ ТОПИНГ

«Маърифат»нинг ҳурматли муштарийлари! Ўз билимларингизни, топқирликларингизни, қолаверса, омадларингизни синаб кўришни истайсизми? У ҳолда қуйида берилаётган гўзал шеър муаллифини топинг-чи? Ҳа, фаҳмингизга балли, бир ўқишдаёқ шоирни танидингиз-а, бироқ сиз шошилманг. Яна бир карра ўйлаб кўринг. Шеър ҳақиқатан ҳам ўша сиз назарда тутган шоирнинг қаламига мансубми? Мабодо шеър ўзга тилдан таржима қилинган бўлса, таржимони ким? Шеърнинг бадиий савияси ҳақида нима дея оласиз? Энг тўғри, батафсил жавоб эгаларини «Маърифат»нинг махсус мукофоти муштоқ бўлиб кутади.

Шоир севган ўлка кўксида
Хушбўй баҳор кезиб юради.
Не боғ! Ҳатто қоя устида
Урик оппоқ бўлиб гуллади.

Дўсту ёрлар жамулжам бу кун,
Азиз номинг меҳр нурида.
Минг бор узр, бугун сен учун
Мен ўлтирдим тўйинг тўрида.

Бугун сенга тўлмиш етмиш ёш,
Ярми биздан қайларда кечди?
Уттиз беш бор гул очиб қийғоч,
Уттиз беш бор ўриклар пишди.

Мен шомлардан саҳарлар ясаб,
Уттиз ёшли бўлиб юраман.
Ҳар баҳорга чиққанда қумсаб,
Қайноқ қўлларингдан тутаман.

Ва биласан кексармас умринг,
Дондай ёйиқ йиллар қатига.
Куйлай бериб ёшлик қушиғин
Мангу қолдинг ёшлик фаслида.

Не-не гўзал ёшликлар келар,
Умри боқий ҳаёт йўлида.
Ўшанда ҳам ўриклар гуллар,
Сен бўласан дилдар тўрида.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0353. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6